



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 128 (12.689)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ



Танловлар

МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР МУЖАССАМ

Пойтахтимизда «Юрт келажаги» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Танловнинг туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 200 га яқин иқтидорли ёшлар турли йўналишларда ўз маҳорат, иқтидорларини намойиш этишди.

Президентимизнинг жорий йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида мазкур кўрик-танлов ташкил этилди. Танловдан қўзланган мақсад мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказиш, иқтидор ва истеъдод соҳибларига ғамхўрлик кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришга қўмак бериш, ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришдан иборатдир.

Кўрик-танловда барча туманлардан 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли, изланувчан ёшлар «Архитектура ва дизайн, либослар дизайни», «Иқтисо-

дий-ижтимоий ислохотларни такомиллаштириш бўйича тақлифлар», «Ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар», «Тасвирий ва амалий санъат», «Адабиёт ва журналистика» йўналишларида ўз билим ва истеъдодларини намойиш этди.

Ун уч ёшимдан бери ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келаман, — дейди Амалий санъат йўналиши бўйича 1-даража диплом соҳиби, Республика босқичига йўланмани қўлга киритган Раҳматилла Насриддинов. — Устозим Тоҳир Ғозиевдан бу хунар сир-асрорларини 10 йилдан бери ўрганмоқдам. 2011 йилда «Ташаббус» кўрик-танловининг Ҳамза туман босқичида қатнашиб, «Энг яхши хунарманд» йўналишида 2-ўринни қўлга киритганман. Кейин ишларимни янада такомиллаштириб, жорий йилда мазкур танловнинг Ҳамза туман босқичида биринчи ўринни эгалладим ва шаҳар босқичига йўланмани қўлга киритдим. Ҳозирда янги услубда иш олиб боришга ҳаракат қилияпман.

«Юрт келажаги» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этаётганимдан мамнунман. Танловда думалоқ

кутича, қаламдон, махсус ташриф қоғози соладиган идиш, лавх, курсилар, хонтахталар билан иштирок этмоқдаман.

— Танловга Олмазор туманидан ташриф буюрдим, — дейди Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси Босит Зиёдов. — Бўлиб ўтган танловда амалий санъатнинг янги турини кашф этиш ва оммага тақдим қилиш мақсадида макоронлардан кема, Эйфель минораси, ёзги дам олиш маскани, тергирмон, қутчаларнинг макетларини ясаб келганман. Устозим Моҳира опа Жўраевдан макорондан буюмлар ясаб санъатини ўрганмоқдаман.

Ёшларнинг турли йўналишлардаги кўргазма ишларини томоша қиларканмиз миллий анъана ва қадриятларимизни замонавийлик билан ўйғунлаштирганликларига гувоҳ бўлдик.

Мазкур тадбирда пойтахтимизнинг изланувчан 48 нафар йигит-қиз ўз йўналишида ғолибликни қўлга киритиб, кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш имконига эга бўлишди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов
олган сурат

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТИББИЁТ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси муҳокама этилди. Унда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тиббиёт ва ахборот соҳаси экспертлари иштирок этди.

Парламент қўйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланишнинг кенг йўлга қўйилгани изчил ривожланишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим дастурлаш бўлаётди. Шу асосда интерактив давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва уларнинг рўйхатини кенгайтириш, миллий ахборот тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада бугунги кунда иш юритишнинг электрон кўриниши шаклланди. Бу жиҳат масофа қисқариши, вақт тежалиши ҳамда иқтисодий самарадорлиқнинг ошишида муҳим омил бўлаётди.

Ахборотлаштиришни ривожлантиришга қаратилган комплекс чораларни талаб қилувчи соҳалардан бири соғлиқни сақлаш тизимида. Чунки соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий самарадорлигини таъминлашда, аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва сифатини яхшилашда бу муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда ахборотлаштириш соҳасига оид қонунчилик нор-

малари, хусусан, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг йигирмадан ортиқ субъекти фаолиятини ўрганиш натижалари соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ҳисобида тиббий хизмат сифати ва ундан фойдаланиш даражаси ошганлигини кўрсатди. Жумладан, ахборот соҳасидаги давлат сиёсатини вазирлик тизимида шакллантириш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси қабул қилинган. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини миллий ахборот тизимига интеграциялаш концепцияси» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Уларга асосан «Электрон соғлиқни сақлаш» ва «Ягона электрон тиббий карта» тизимларини босқичма-босқич шакллантириш амалга оширилаётди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида бу борада белгиланган вазифалар ижроси ҳам доимий эътиборда.

Тадбирда тиббиёт соҳасини ахборотлаштириш жараёнларида эришилган ижобий натижалар билан бирга, айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Аниқланган ҳолатлар, олинган тахлилий материаллар ҳамда халқро тажрибани умумлаштириш асосида тиббиёт соҳасида ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш учун етарли ҳуқуқий кафолатларни яратувчи қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлиф ва мулохазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзфармсаноеат» давлат акциядорлик концерни томонидан фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳолини замонавий дори воситалари билан таъминлаш, жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларини амалиётга татбиқ этиш борасидаги илмий-амалий ишлар самаралари ва истикболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

• Чирчиқ шаҳрида аёллар спорт фестивалининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш мақсадида ўтказилган мазкур спорт анжуманида шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 18 жамоа иштирок этди.

• Қашқадарё вилоятида янги иш ўринлари яратиш, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 27 минг 241 янги иш ўрни яратилди.

• Андижонда ўтказилган аёллар ўртасидаги спорт фестивалининг вилоят босқичида 16 жамоа ўзаро баҳс-лашди. «Соғлом аёл — соғлом жамият» шиори остида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва хотин-қизларни спортга кенг жалб этишга қаратилган улкан эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

• Қашқадарёда «Ёш сиёсатчи — 2014» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ғолиб ва иштирокчилар Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг ташаккурномалари ҳамда эс-далиқ совғалари билан тақдирланди.

ЖАҲОНДА

• Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида қурилаётган 12 қаватли бинонинг қулаши натижасида тўққиз киши ҳаётдан қўз юмди, йигирмага яқин киши жароҳатланди. Қурбонлар сони яна ортиши мумкин. Чунки вайроналар остида юздан зиёд одам қолиб кетган, деб тахмин қилинапти. Фожиа ўтган шанба кuni худудда ёққан кучли ёмғир натижасида келиб чиққан.

• Ёнилғисиз ҳаракатланадиган дунёдаги илк самолёт дастлабки парвозини амалга оширди. «Airbus E-Fan» деб номланувчи мазкур мўъжаз лайнер электр энергияси ёрдамида ҳавога кўтарилган. У Парижга 23 километр яқин масофадаги Туссу-ле-Нобль шаҳри тепасида учган.

• Мева ва сабзавот маҳсулотларини истеъмол қилиш соғлиқ учун фойдали, аммо у инсоннинг озишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Шу пайтгача аксарият пархез бўйича мутахассислар мева ва сабзавотларни икки маҳал ейиш озиш учун энг мақбул йўл, дейишарди. Олимлар ана шу маслаҳат асосида 1200 кишида синов олиб боришди. Уларнинг вазн кўрсаткичлари маълум вақт мобайнида кузатиб борилди. Аммо яқунда ҳеч қандай ҳолат аниқланмаганини билдиришди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм муомалага киритилганига 20 йил тўлди.

Ўзбекистон мустақиллиги, ўз миллий валютасига эга экани халқимизнинг улкан ютуғидир.

1994 йил 1 июль мамлакатимиз соҳнасида тарихий сана. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 16 июнда қабул қилинган Фармонида мувофиқ шу кун миллий валютамиз — сўм юртимиз ҳудудида ягона тўлов воситаси сифатида муомалага киритилган.

Миллий валютани жорий этиш инқилоб билан тенгдир, деган эди Юртбошимиз. Дарҳақиқат, жаҳон тажрибасидан маълумки, бунга эришиш учун қўллаб-даватлар узоқ ва машаққатли йўл босиб ўтган. Қўл ҳолларда бу иқтисодий инқирозга, нархларнинг ўсиб кетиши ва маҳсулотлар танқислигига сабаб бўлган.

Юртимизда сўмни муомалага киритишда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирлар кўрилди. Миллий тараққиёт тамойилларига мувофиқ бу жараён ҳам босқичма-босқич амалга оширилди.

Аввалига сўм-купон жорий этилиб, четдан кириб келаётган, қадрини йўқотган пулнинг йўли тўсилди. Юртимиздаги арзон маҳсулотларнинг бошқа республикаларга «оқиб кетишининг олди олинди. Энг муҳими, сўм-купон орқали миллий пул бирлигини жорий этиш стратегияси ва ҳисоб-китоблар механизми ўрганилди. Инфляцияга қарши чоралар ишлаб чиқилиб, синаб кўрилди. Жаҳон валюталари

билан муомалада пулимизнинг кучи, қадри ва ҳарид қуввати аниқланди.

Миллий пулимизнинг барқарорлигини таъминлаш, тўлов қобилиятини ошириш мақсадида қатъий пул-кредит сиёсати юритилмоқда. Инфляция паст даражада сақланмоқда. Тижорат банкларининг жами капитални ҳажми ортиб бормоқда. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг изчил ўсаётгани, экспорт салоҳияти тобора кучаяётгани бу борада муҳим аҳамият касб этамоқда.

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгартиришга қаратилган ислохотлар самарасида

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

саноат тармоқлари кенг ривожланмоқда. Импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилаётган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Кишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожини янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилаётди.

Бугун мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида гапирганда, аввало, иқтисодий-ётимизнинг изчил ривожланиши, макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзаро мутаносиблиги, инфляция даражасининг пастлиги, аҳоли фаровонлигининг юксалаётганлиги билан бир қаторда миллий валютамизнинг барқарорлашиб, банк тизимининг тобора мустаҳкамланиб бораётганини ҳам фахр билан тилга оламиз.



Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг саҳифаси

Инсон ҳаёти ва фаолияти учун қулай экологик вазиятни вужудга келтириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни экологик-ҳуқуқий муҳофазаси қилиш, одамларнинг саломатлиги ва иқтисодий турмуш тарзини янада яхшилаш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса бундай кескинлик катта шаҳарларда яққол кўринмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида йirik шаҳарлардан бири Тошкент қайта қурилиб, катта бунёдкорлик жараёни олиб борилиб, ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилди. Буларнинг ҳаммаси янги замонавий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни амалда жорий этишга даъват этмоқда. Бу эса ўз навбатида эколог, шифокор, архитектор, муҳандислар олдида янги лойиҳа ва қурилишларни экологик талаблар даражасида амалга ошириш ва назорат қилиш вазифасини қўймоқда.

Демак, шаҳарлар экологиясини муҳофазаси этиш нисбатан янги пайдо бўлган экология соҳаси бўлсада, ҳозирда у қўлимизнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2014 йилни «Соғлом бола йили» — деб эълон қилиш жамиятимизда экологик-ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ҳамда унинг ўз-ўзидан экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия масаласига ҳам бевосита асос бўлиб, унинг келаждаги истиқболлини ҳам белгилаб беради ва шаҳарлардаги экологик муаммоларни замон талабига қўра ҳал этишни тақозо этади.

Зотан, Конституциямизнинг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиат заҳиралар умуимиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», деб қўрсатилган.

Шунингдек, ушбу конституциявий талаб Ўзбекистон Республикасининг «Табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонунининг 12-моддасида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, унга қўра: «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлодининг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яша, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарари тасвириндан муҳофазаси қилиш ҳуқуқига эга», деб эътироф этилган. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиати муҳофазаси қилиш бўйича жамоат ташкилотларига берилаётган, атроф табиий муҳитнинг аҳоли ҳамда уни муҳофазаси қилиш юзасидан қўрилатган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Бундан кўриниб турибдики, табиатни муҳофазаси қилиш, экологик талабларга ҳар доим рияз этиш ва экологик таҳдидларнинг олдини олиш мустақил давлатимизнинг иқтисодий-иқтисодий ва ҳуқуқий масаласи бўлибгина қолмай, балки экологик сиёсатнинг асосига айланиши лозим. Чунки ушбу глобал муаммонинг ортда бутун мустақил давлатимиз, миллатимизнинг, инсон ва фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини муҳофазаси қилиш ва қўриқлаш этибди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 120 шаҳар, 117 та шаҳарчалар мавзуд бўлиб уларни экологик ҳуқуқий муҳофазаси қилиш Шаҳарсозлик кодекси ҳамда «Табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги, «Чикидиқлар тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Атмосфера хавосини муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги, «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги, «Аҳоли ва ҳудудларни табиий техноген хусусиятлари фавқулодда вазиятлардан муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Муҳофазаси этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги, «Енгин хавфсизлик тўғрисида»ги қонунлари мавзуддаги ҳуқуқий

муҳофазаси қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Археология мероси объектларини муҳофазаси қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги қабул қилинган қонунлари асосида амалга оширилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон қарори асосида қабул қилинган 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар Дастури мамлакатимизда экологик муаммоларни, айниқса табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофазаси қилиш борасида катта аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжат бўлиб қолади.

Айниқса бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарлар,

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ ОМИЛИ

туман марказлари ва шаҳар типидagi посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисида»ги Низомини, «Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги қонун ҳужжатларига рияз қилиниши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, «Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари», Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳар ҳудудидagi марказий ҳамда туман микёсидаги қўчаларда жойлашган шаҳарсозлик объектларини замонавий архитектура талабларига келтириш ҳақида» қарори ҳамда 2013 йил 9 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш ва аҳоли ўртасида экологик маданиятни тарғиб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шу муносабат билан масалан, Тошкент шаҳридаги барча туманларнинг маҳаллаларида олиб борилаётган, жумладан М.Улугбек туманидаги Аҳмад Юнакйи, Бобур, Азамат маҳаллалари, Олмасор туманидаги Мирзо Фолёб, «Тахтапўл» маҳаллалари, Сергели туманидаги «Ёрқин ҳаёт» ва Бобур маҳаллаларида олиб борилаётган ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишлари шаҳримизнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилашга ҳамда атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ишида ўрнат бўлиши мумкин. Айниқса, Сергели туманидаги «Ёрқин ҳаёт» маҳалласи ҳудудда 15 сектор қичинди ташланадиган, ўзлаштирилмаган ерга Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бош бошқармаси ва туман, шаҳар ҳокимлигининг бевосита ёрдами билан мевали бос ташкил этилганлиги алоҳида таҳсина сазовордир.

Ўзбекистон Республикасида экологик муаммоларни бартараф қилиш мақсадига олиб бориладиган ишларнинг энг асосийлари билан бири бу — Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов тасвирларига қўра 2008 йил 2 августда мамлакатимиз эколог олимлари, шу йўналишда иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчиликнинг ташаббуси асосида Ўзбекистон экологик ҳаракатининг тузилганлиги бугунги даврнинг долзарб талаби ҳисобланиб, халқаро андозаларга мослаштирилганлиги ҳақида қўра қўйилган ҳужжат бўлиб қолмоқда.

Эътироф этиш ўринлики, Экоҳаракатнинг ташкил этилганлиги мамлакатимизда экологик жамоат бирлашмалари ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Айниқса, юртимизда фаолият юритаётган экологик жамоат бирлашмалари Экоҳаракат тизимлида атроф табиий муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда сафарбар этиш имкониятига эга бўлишди.

Бугунги кунда тобора авж олаётган глобаллашув шароитида Тошкент шаҳри ва унинг туманларида санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш ва аҳоли ўртасида экологик маданиятни тарғиб этиш мақсадига қўридаги йўналишларда амалий фаолият ва тарғибот ишларини олиб бориш мақсадига мувофиқдир:

биринчидан, маҳаллаларда аҳоли ўртасида экологик ҳуқуқий онгни ривожлантириш, айниқса ёшларимизнинг экологик ҳуқуқий таълим тарбиясини кучайтириш, шаҳарнинг тозаллигини сақлаш ва экологик маданиятни юксалтириш, тарихий мерос, урф-одат, экологик анъана ва қадриятларимизни юксалтиришнинг зарурий эҳтиёжига айланишига эришиш, экологик ҳуқуқий билимларни чуқур эгаллашга қаратилган гоъларни шакллантириш;

иккинчидан, Тошкент шаҳрининг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш мақсадига ҳамжиҳатликда фаолият олиб бориш ҳамда ҳар бир фуқарога атроф табиий муҳитни тоза, соф ҳолатда сақлаш мажбуриятини кенг тушунириш, шунингдек шаҳардаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳаёт мазмунидagi энг муҳим маънавий эҳтиёжларига айланишига эришиш;

учинчидан, «Энг обод маҳалла», «Энг озода қўча», «Энг намунали қўча» каби кўрик-танловларни ўтказиш, шаҳар санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш ва аҳоли ўртасида экологик маданиятни тарғиб этишга бағишланган давра суҳбатларини Халқ таълими бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси айниқса, Хусусий ўй — жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ҳодимлари ҳамкорлигида ўтказиш;

тўртинчидан, бу борада Ободонлаштириш бош бошқармаси, «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси ҳамда Ишчи ишлаб бош бошқармаси профилатика инспекторлари, Тошкент шаҳар Табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси, шаҳар Давлат Санитария эпидемиология назорати марказининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Демак, ҳозирги кунда экология, шаҳарсозлик ва санитария эпидемиология назорати соҳасидаги қўриқларнинг моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва экологик маданиятни янада ошириб бориш мамлакатимиз шаҳарларини жумладан, пойтахт — Тошкент шаҳрини янада ободонлаштириш ва қўламазорлаштиришга, унинг экологик ҳолати ҳамда атроф табиий муҳитини янада яхшилашга ёрдам беради.

Муқтасар қилиб айтганда, табиат бизни ўраб турган энг ноёб бойлигимиз бўлиб, уни асраб-авайлашимиз, эъзозлашимиз ва қадрига етишимиз, табиат неъматларидан оқилона фойдаланишимиз, беҳуда исроф қилмаслигимиз зарур. Бу эса ҳозирги ва келажак авлодлар манфаатлари йўлидаги муҳим қадам бўлиб, барқарор ривожланишнинг асосий талабидир.

Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,
ТДЮИ «Экология ва қишлоқ ҳўжалик ҳуқуқий кафедраси профессори, юридик фанлари доктори.

Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси томонидан Тадбиркорлик субъектлари учун ҳар ойда қўмита мажлислар залида «Очиқ эшиклар кўни» ўтказиб келинади.

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КўНИ»ДА МУАММОЛАРИНГИЗ ҲАЛ ЭТИЛАДИ

2014 йилнинг ўтган биринчи ярми давомида 19 та очик эшиклар кўни ташкил этилди. Бундай тадбирларда тадбиркорлик субъектлари томонидан берилган ўзлари учун керакли бўлган Ўзбекистон Республикасининг Табиати муҳофазаси қилиш қўриқлари ва қўриқ ости ҳужжатлари бўйича талаб этиладиган меъёрий ҳужжатларни қандай расмийлаштириш, уларни ишлаб чиқиш ва қим томонидан тасдиқланиши тўғрисидаги мурожаатлари ва мурожаат аризалари қўриб чиқилди. Бундан ташқари 12 марта ишонч телефонларига ҳам мурожаатлар бўлди. Уларнинг барчаси иккуний ҳал этилди.

Тадбиркорлик субъектлари жамиятининг иқтисодий негизи

ҳисобланади. Уларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Шунинг билан эътироф этиш керакики, сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришга доир Президентимизнинг қўриқлар Фармонлари ва ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Бу қарорлар замирида табиат фаолиятини бевосита кенгайтириш, фавқулодда ва зарурий имтиёзлар ётади.

Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитасига мурожаат қилинган ҳар бир масала тегишли бўлимлар томонидан иккуний ҳал этилади. Масалан, 2014 йил 29 майдан очик эшиклар кўнида Юнусобод тумани, Аҳмад Дониш қўчаси, 24-уйда жойлашган «GRAND SAVDO»

МЧК томонидан ПВХ қўлтирилган листларни қандай расмийлаштириш кераклиги тўғрисида ариза мурожаати қўриб чиқилди. Шунингдек, «NEBI PHARMACEUTICALS» МЧК томонидан ҳам «FOUF» русумли косметик воситаларини расмийлаштириш бўйича қандай ҳужжатлар олиш кераклиги тўғрисида мурожаат этилди. Ушбу мурожаат иккуний ҳал қилинди, яъни қўмитада рўйхатдан ўтиб, атроф-муҳитга зарарли таъсир қўрсатмаслик шарти билан маълумотнома берилди.

Мурожаат қилган ҳар бир тадбиркорлик субъектларига қўриқ доирасида амалий ёрдам бериб келинмоқда. Бундан ташқари қўмитада 277-75-43, 277-00-86 рақамли «Ишонч телефонлари» мунтазам равишда фаолият қўриқти келмоқда.

Тадбиркорлик субъектларидан очик эшик кўнида фаол қатнашиб, ишонч телефонларига қўриқроқ қилишда давом этишларини сўраймиз.

Қўмита ҳодимлари Сизга амалий ёрдам қўриқтишга ҳар доим тайёр.

З. АХМЕДОВ,
Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси Назорат бўлими бошлиғи



ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭКОЛОГИЯГА ДОИР БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ ЙўЛИДА

Биология курсининг ўсимликлар бўлимида экологик тушунчалар янада кенгайтирилади ва ривожлантирилади. Улар ўқувчиларнинг табиатшунослик дарсларидан олган экологияга доир тушунчаларнинг давоми ҳисобланади. Бу тизимдаги тушунчалар умумий экологик билимлар тизимининг бошланиши бўлиб, асосан абиотик омилларнинг ўсимлик организмлар экологиясига боғланган ҳолда ўрганишга асосланади.

Экология ҳақидаги тушунча биология курси ўсимликлар бўлимининг биринчи мавзудан бошлаб ривожлантирилади. «Кириш» ва «Гулчи ўсимликлар билан умумий танишиш» мавзуларида табиатнинг тарихий қисми бўлган ўсимликлар дунёси, уларнинг хилма-хиллиги, ер юзиди тарқалишини ўрганиш каби назарий билимлар бериш билан бирга, ўқувчиларда табиатга нисбатан онгли муносабат руҳини тарбиялаш, уларни шу билим бўйича биология хонасида, жонли табиат бурчагиди табиати муҳофазаси қилиш юзасидан баҳарлишлари лозим бўлган ишлар билан таништириш орқали экологияга доир таълим-тарбияни амалга ошириш мумкин.

Табиатдаги тирик мавжудотларнинг ҳаётини ўсимликларсиз тасаввур этиш қийин эканлиги, ўсимликлар инсон нафас олади-дан ҳавони тозалаш, дори-дармон сифатида ишлатилиши, шу билан бирга техник йўналишда, озик-овқатга ем-хашак, қурилиш материаллари сифатида ишлатиладиган манзаралари ўсимликлар ҳақида тушунча бериш мумкин. «Илдиз» мавзусини ўтиш жараёнида ўқувчилар ўсимликларнинг ташқи муҳит шароитига мослашиши, илдиз тизимининг тузилиши ва функциясининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги билимини эгаллайдилар.

Ўқувчининг илдиз ўсимликларнинг бутун ҳаёти давомида тўхтовсиз ўсиши ва танча вазифасини ҳам баҳарлиш, илдиз тизими тўғрисидаги ўсимликлар тўроққа маҳкам ўрнашиб, қучли шамолга ҳам бардош бериши, қўларда қўм қўчилишнинг олдини олиш, тўроқ эрозиясидан ҳимоя қилиш ҳақида тушунириб ўтиш ўринли.

Шунингдек, ўсимликларни қўшимча озиклантириш мақсадига ишлатиладиган ўғитлар ҳақида маълумот берилиб, бунда ўғитларнинг нотўғри ишлатилиши, сақлашни ёки ерга қўри солиниши салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Хулоса сифатида айтганда, табиат ҳақидаги фанлар — физика, кимё, биология ва бошқаларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида дарсларни ташкил қилиш экология масалаларини мақсадга мувофиқ ҳал қилишга катта ёрдам беради. Демак, экологияга доир таълим-тарбиянинг самараси шу соҳада бериладиган билим мазмунига, унинг илҳом баён этилишига, шунингдек, фанларга боғлиқлиги ва маҳаллий табиий ресурсларнинг тўғри амалга оширилишига боғлиқ.

Гулбаҳор ЖАМАНҚУЛОВА,
Тошкент банк коллежи ўқувчиси

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Миллий валютанимиз нафақат мамлакатимиз иқтисодий қудратининг, балки халқимиз маънавий, маърифий ва маданий салоҳиятининг кўрсаткичи. Унда юртимизнинг бой тарихи ва буюк келажатга ўз аксини топган. Ўзбек сўмини қўлига олган кишининг қадим Самарқанддаги Регистон майдони, Улугбек, Тиллақори, Шердор мадрасалари, Амир Темур мақбараси каби тарихий обидалар, Тошкентдаги Темурийлар тарихи музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, «Истиклол» санъат саройи, Соҳибқироннинг улугвор ҳайкали, Олий Мажлис биноси тасвирларига қўри тушади. Буларнинг барчаси халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод шуғрида миллий ғурур туйғуларини шакллантириш, уларни миллий истиқлол гоъларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, сўм ҳақидаги илк маълумотлар X-XI асрларга мансуб бўлиб, дунёдаги ҳеч бир валютанинг номи бунчалик қадимий эмасдир. Буюк Ипак йўлида савдо ривожланган ўрта асрларда, айниқса, Амир Темур даврида у халқаро аҳамият касб этган.

Узоқ йиллар давомида муомалада бўлмаган, турли босқинлар оқибатида унут бўлаётган бу муқаддас сўз истиқлол шарофати билан яна тилимизга қайтди. Иқтисодий мустақиллигимиз асосига, миллий ифтихоримиз рамзига айланди.

...Поезда сафарга кетаётган эдик. Ҳамма бир-бири билан танишиб, суҳбатлашиб бормоқда. Икки йилнинг ғурунги соз келиб, телефон рақамлари, иш манзилларини алмаштираётган бўлди. У ёқ-бу ёқни қараб, қороз топиламаган, чўнтагидан пул чиқариб, ёза бошлади. Шунда уларни кузатиб турган отахоннинг жаҳли чиқиб кетди. «Ҳой, ўғилларим, пулга ёзмавлар — ношўқрлик бўлади. Бир пайлар биз бунга зор эдик, бошқаларнинг пулини пул, дердик. Энди ўзимизнинг сўмимиз бор. Бу пул элики, бугун сенда бўлса, эртага бошқанин қўлида бўлади. Унинг қадрига етиш, асраб-авайлаш керак», дея насихат қилди.

Дарҳақиқат, ҳар бир нарсанинг қадр-қиммати инсонларнинг ўзига, ички маданиятига боғлиқ. Миллий валютанимиз сифати ва қиймати сақлаш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳар бир юрдошимизнинг бурчига, виждон амрига айланмоғи лозим. Зеро, сўмимиз ҳам давлат байроғи, давлат герби каби мустақиллигимиз рамзларидан биридир.

Ўтган йили 1 июль санаси янги мазмун билан бойиди. Шу кундан бошлаб 5000 сўмлик купюра муомалага чиқарилди.

Миллий валютанимизда мустақиллигимиз, миллий ўзлигимиз намоён. Бу валюта Ватанимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, ҳамюртларимиз қалбиди ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, халқаро микёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмаверади.

Анвар САМАДОВ,
Ўза шарҳловчиси

АМАЛИЙ СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Кўни кеча Тошкентда сайлов

ташқиқотларнинг талаботини ошириш бўйича амалий семинар ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳаларни мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг раислари ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўриқлик палатаси депутатлари, Ўзбекистон экологик ҳаракати, вазирик ва идоралар, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликларининг вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Тошкент Давлат юридик университетини олимлари ва мутахассислари, шунингдек, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» ёшлар иқтисодий ҳаракати ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Тадбирда демократик сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича халқаро стандартларга, сайлов жараёнини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш борасида сайлов комиссияларининг роли ва улар олдида турган долзарб вазифаларга, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан парламент қўри палатаси депутатлигига номзодлар қўриқатиш ва сайлаш хусусиятларига бағишланган маърузалар тингланди.

Тадбир иштирокчилари мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган илҳом, босқимча-босқич ислохотлар асосида энг юқори демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин беришининг, ҳар бир кишининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг қафолатларини таъминлайдиган сайлов тизими яратилганлигини таъкидладилар.

Сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда очилиш ва ошқоралик асосида ташкил қилиниши ва ўтказилишини таъминлайдиган сайлов комиссиясининг мустақил иш олиб бориши миллий сайлов тизимининг хусусиятларидан биридир. Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишнинг давлат ҳокимияти органларининг ҳеч қандай аралашуви сиз таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўринга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилиши сайловларнинг очилиши ва ошқоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим қафолатларидан бири ҳисобланади.

Қўриқликка биноан сайлов комиссияларининг зиммаларига очик демократик сайлов ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича катта вазифалар юкланганлиги, сайлов комиссиялари мустақил равишда фаолият юритиши ва фақат қонунга бўйсунуши, ҳокимият тузилмалари ва жамоат бирлашмаларининг сайлов комиссиялари фаолиятига аралашушига йўл қўйилмаслиги алоҳида таъкидланди.

Семинар давомида сайлов жараёнини янада демократлаштириш масалалари, сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган янги қоидалар, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга сайловдаги ташвиқотини амалга оширишда тенг имкониятлар яратиш механизмларини ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Маъруз тадбир таърибга алмашиб ва сайлов жараёнини янада такомиллаштириш, сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга тенг шароит ва имкониятлар яратиш масалалари юзасидан амалий тасвирлар ишлаб чиқиш ишларини берадиган қатор ҳудудий семинарлар ўтказилишини бошлаб берди.

Марказий сайлов комиссияси
Матбуот хизмати

ТАБИАТДАГИ МУВОЗАНАТНИ АСРАЙЛИК

Табиат — бу мўъжизаларга нияҳатда бой бўлган хилқат. Ушбу мўъжизалар эса инсонга берилган инъомдир. Табиат нафақат ер усти, балки ер ости дунёси ҳамдир. Аммо шунинг афсус билан таъкидлаш жоизки, инсонларнинг табиатга нисбатан муносабатлари баъзан анъали оқибатларга олиб келиши мумкин.

Маълумки, инсониятнинг эҳтиёжлари чексиз бўлиб уларни қондириш йўлида табиий ресурслардан фойдаланади. Дастлаб одамларни табиатнинг ўзи боққан бўлса, кейинчалик эҳтиёжларнинг қўйиш натижасида одамлар табиат инъомларига кифояланмай, керакли ва керак бўлмаган нарсаларни ўзлари табиатдан олишга, табиий ресурслардан турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўти

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий сектор вакиллари кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ТАДБИРКОРЛИКНИ РАЎБАТЛАНТИРИШДА ЁШЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР

Мамлакатимиз раҳбари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ёшларни, авваломбор касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали нафақат иш билан таъминлаш, балки тадбиркорга моддий жиҳатдан маблағларини тежаб қолиб, тадбиркорлик фаолиятини янада юксалтириш борасида қатор имтиёзлар ва қулайликлар яратилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўра микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони кўнун ҳужжатларида белгиланган нормативдан кўпи билан 20

фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолинади.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилиши белгиланган.

Бугунги кунда давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорларга қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиш борасида мамлакатимизда қабул қилинаётган бир қанча қонун, қарор ва меъёрий ҳужжатларни амалда оқилона фойдаланиш, кенг тарғиб қилиш, ҳамда солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон тарзда юбориш юзасидан тадбиркорлик субъектларида мунтазам равишда семинарлар ўтказиб боришмоқда.

Абдулазиз ҲАСАНОВ,
Юнусобод туман ДСИ
бошлиғи ўринбосари

«Камолот»

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимизда ўсиб келаётган, ёш авлодни ҳар тарафлама мукамал тарбиялаш, иқтидор ва истеъдод соҳиблари бўлган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган болаларга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида туманда жойлашган умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оила фарзандлари, уйда яқка тартибда таълим олувчи жисмоний имконияти чекланган болалар ҳолидан хабар олиш мақсадида хайрия лойиҳаси ўтказилди.

Ўтказилган хайрия тадбири болажонларга қувонч бағишлаганини кўзларидан билиш мумкин, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши бош мутахассиси Дилора Мелдебекова. — Туманда жойлашган умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оила фарзандлари, уйда яқка тартибда таълим олувчи жисмоний имконияти чекланган болалар ҳолидан Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ходимлари, умумтаълим мактабларининг бошланғич таълим бўлимида хайрия лойиҳаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши аъзолари ва фаол ёшлар билан биргаликда хабар олинди. Кўнгилларини кўтариш мақсадида уларга совғалар берилди.

Лойиҳада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши аъзолари, фаол ёшлар ҳамда умумтаълим мактаб етакчилари болаларнинг ўйларига ташриф буюриб, улар билан бирга суҳбат қуришди, эсдалик совғалари тақдим этишди.

Зарина РУСТАМОВА

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларига мувофиқ, Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашнинг нафақат конституциявий-ҳуқуқий асослари ва кафолатлари шакллантирилган, балки бола ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоялаш бўйича ташкилий механизми — тегишли инфраструктураси яратилган.

БОЛАЛАР МУҲОҒАЗАСИ ЙЎЛИДА

Вояга етмаганлар соғлигини муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини ҳимоялашнинг таъминловчи органлар тизими, яъни ювенал сийсат субъектлари — инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш умумий давлат тизимининг муҳим таркибий қисмидир. Конвенциянинг 3-моддасида таъкидланганидек, болаларга нисбатан барча фаолият, улар ижтимоий таъминот масалалари билан шуғулланувчи давлат ёки хусусий муассасалар, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар бўлмасин, даставвал боланинг манфаатларини яхшироқ таъминлашга қаратилган бўлиши шарт.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бола ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ва болаликни қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли давлат, минтақавий ва маҳаллий дастурларини амалга оширишда иштирок этадилар; болаларнинг муайян эҳтиёжларини қондириш бўйича танлов асосида ижтимоий хизматларни ташкил этадилар. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолият олиб борадиган нотижорат ташкилотларга имтиёз ва компенсациялар бериш, уларнинг лойиҳаларини давлат буюртмаси бўйича молиялаштириш қонунга мувофиқ белгиланади.

«Сен ёлғиз эмассан», «Соғлом авлод учун» ва республика бошқа ноҳукумат ташкилотлари болалар муаммоларига жамоатчилик эътиборини жалб қилиш, жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси сифатида болаларга нисбатан ижобий муносабатларни шакллантириш, уларни ҳар томонлама ҳимоялашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар.

Ушбу ташкилотларнинг фаолияти болаликка оид ҳар тарафлама муаммоларни ҳал этиш, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, боланинг шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, уни маънавий ва ахлоқий руҳда тарбиялаш, унга тиббий, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш, профилактика ва саломатлик муҳофазасига қўмаклашиш, шунингдек жамиятнинг алоҳида ғамхўрлигига муҳтож болаларнинг маънавий-руҳий ҳолатини яхшилашга қаратилган.

2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида Бола ҳуқуқларини таъминлаш ва соғлигини муҳофаза қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки белгилаб қўйилган. Унда қайд этилишича, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини рўёб-



БИЗ — БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Айни кунларда ёзги таътилни интиқлик билан кутган болажонлар сўлим ва баҳаво оромгоҳларда маза қилиб ҳордиқ чиқармоқдалар, спорт билан шуғулланиб саломатликларини тикламоқдалар.

Уларга янада яхши кайфият улашиш, спорт билан ошно этиб соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оромгоҳлардаги дам олиш кунларини янада сермазмун ўтказиш мақсадида Юнусобод тумани маънавий ва маърифат кенгаши, Маънавий тарғибот маркази туман бўлими, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи томонидан «Тошшаҳартрансхизмат» АК, Маданият ва спорт ишлари туман бўлими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси йўлида «Биз — Буюк Юрт фарзандларимиз!» шiori остида маънавий-маърифий-маданий ва спорт тадбири ўтказилди.

Ангрен туманидаги «Транспортчи авлод» номли ёзги соғломлаштириш оромгоҳида ташкил этилган ушбу тадбир кенг кўламли кўрик-танлов, спорт мусобақалари ва давра суҳбатларини қамраб олганлиги билан ниҳоятда таассуротларга бой бўлди. Ёзги таътил кунларини қизиқарли воқеалар билан ёдда қоладиган тарзда ўтказиш мақсадида оромгоҳларга келган болажонлар бугунги кунни ниҳоятда кўтаринкилик ва фаолликда ўтказдилар десак, асло мунолага бўлмайдиган. Болажонларни даврага чорлаган «Қувноқ стартлар» мусобақаси уларни спорт билан ошно этган бўлса, «Сен тарихин биласанми?» мавзусидаги давра суҳбати уларни ўйлашга, улғу алломалар ҳақидаги қизиқарли маълумотлардан хабардор қилишга хизмат қилди, «Расм-тасвир санъати», «Қаштачилик сирлари», «Ўғулчан атрофида бахслар», «Одам савдоси — давр муаммоси», «Биз гиёҳвандликка қаршимиз» шiori остида асфальтга расм чизиш кўрик-танлови каби бири бирдан қизиқарли тадбирларда болажонлар ҳар бир соҳа вакиллари билан учрашиб ўзлари учун янги бир оламни кашф этдилар.

— Ёшларни маънавий юксалтириш, ақл ва жисмонан етук этиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг дунёқароши, онгу шуури ва тафаккури, келажакка ишончини янада ошириш, маънавий етук, баркамол авлодни тарбиялаш каби бир қатор эзгу ниятларни мақсад қилган ҳолда ушбу тадбирни ташкил этдик, — дейди Маънавий тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова. — Тадбирларимизда болажонларнинг бажонидил иштирок этганлари, қувноқ, шўх-шодон кулгулари, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб олдинга интилганларининг ўзи бизни ҳам руҳлантирди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки «Транспортчи авлод» оромгоҳида 1-мавсумда 403 нафар болажонлар дам олишмоқда. Шулардан 186 нафари Қорақалпоғистонлик кам таъминланган оила фарзандларидир. Оромгоҳда болажонларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари ва вақтни унумли ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, «Гимнастика», «Шахмат-шашка», «Ёш баскетболчи» каби спорт ва «Моҳир қўллар», «Инглиз тили», «Ёш муҳбир», «Ёш китобхон» каби турли тўғараклар фаолият юритмоқда. Бундан ташқари сузиш ҳавзаси, барча қулайликларга эга ошхона, шинам ётоқхона, маданий ва маърифий тадбирлар, бадий кечалар улар учун хизмат қилмоқда.

Эрта тонгдан бошланиб то кечки салқингача давом этган тадбирлар голиблари фахрий ёрлик, дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланиши улар қувончига янада қувонч қўшди. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Маданият ва спорт ишлари туман бўлими санъаткорлари ижросида янграган шўх куй ва қўшиқлар барчани даврага чорлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: «Транспортчи авлод» оромгоҳида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат

га чиқаришда ва ҳимоя қилишда қўмаклашадиган, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборот-га оид ва бошқа ёрдам кўрсатади.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар соғлигини муҳофаза қилишда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида жамғармаларнинг ўрни ҳам муҳимдир. Ўзбекистон Президентининг Фармони билан 2002 йил октябр ойида мамлакатимизда ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг иш бошлаганига 12 йил бўлди. Жамғармани ташкил этишдан мақсад соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини том маънода оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантириш.

Айни пайтда, юқорида айтилганидек, юртимизда 1 миллион 800 минг нафардан ортиқ бола 30 дан зиёд спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу рақам, 2003 йилга нисбатан олганда, 1,4 баробар кўпдир. Шу даврда мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотиришга жалб этиш 20,4 фоиздан 40,5 фоизга, жумладан, қизлар ўртасида 16,4 фоиздан 32,5 фоизга ўсган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳулоса ўрнида шундай дейиш мумкинки, юртимизда кечаётган ҳар бир ислохотнинг замирида — фарзандларимиз соғлигини муҳофаза қилишдек хайрли ният мужассам.

Зафаржон КҮЧҚОРОВ,
Тошкент Давлат юридик университети талабаси

2014 йил — Соғлом бола йили

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Пойтахтимизда «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида амалга ошириб келинаётган «Менинг қадрим бор! Мустақил ҳаётга қадам!» лойиҳаси якунларига бағишланган илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар, Адлия вазирликлари, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси директори Гулноза Обидова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилиб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини таъкидлади. 2010 йилдан буюн ҳаётга татбиқ этилаётган «Менинг қадрим бор! Мустақил ҳаётга қадам!» лойиҳасидан кўзланган мақсад имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларга тиббий-психологик, ҳуқуқий, ижтимоий қўмак кўрсатишдан иборат.

Меҳрибонлик ўйлари, махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган болалар васийликдан чиққан, мустақил ҳаётга қадам қўяди. Шунда уларнинг олдида навбатдаги таълим босқичини давом эттириш, янгила ижтимоий муносабатларга қиришиш каби муаммолар юзага келади. Шунинг билан олган ҳолда, мамлакатимизда бундай болаларнинг жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, қизиқиш ва лаёқати бўйича касб-хунарга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, психолог ва ҳуқуқшунослар иштирокидаги тадбирлар ёшларнинг мустақил ҳаётга оид билим ва кўникмаларини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Анжуманда васийликдан чиқаётган ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг яхши таълим олиши ва ишга жойлашишида қўмаклашиш борасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан фикрлашилди.

ЎСИМЛИКЛАРНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалаларини қўмитасида «Қишлоқ ҳўжалик ўсимликлари зараркунадалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни нормаларининг Республика ўсимликлари ҳимоя қилиш ва агрокимё марказида бажарилишини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда депутатлар, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Молия, Адлия, Иқтисодиёт вазирликлари, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзуридаги Амалдаги қонун ҳўжатлари мониторинги институти масъул ходимлари, Фанлар академияси олим ва мутахассислари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, зараркунадаларга қарши биологик усулда кураш ишларининг самарали ташкил этилиши натижасида экинлардан олинаётган ялли маҳсулот микдори ортиб, сифати яхшиланимоқда. Шу йилнинг 5-6 июнь кунлари Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам бу алоҳида таъкидланди.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш, қўллаш ва самарадорлигини таҳлил қилиш Республика ўсимликлари ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази томонидан ишлаб чиқилган кимёвий ва биологик маҳсулотларга буюртманома-ларни шакллантириш, қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини улар билан таъминлаш, биологик лабораторияларда биомасулотларни қўлайтириш ва фермер ҳўжаликларида етказиб бериш ҳамда қўллаш тартиби каби ҳўжатлар асосида амалга оширилмоқда. Бунда инсон ва жонотлар, атроф-муҳит учун безарар биологик кураш усулларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада биологик усулни қўллаш 2004 йилда 1,6 миллион гектарни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 2 миллион гектардан ошди.

Экспертларнинг фикрича, ўсимликларни зараркунадалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда қонун нормалари ижроси тўла таъминланиши аграр соҳанинг янада ривожланишига, фермер ва деҳқон ҳўжаликлариининг иқтисодий барқарорлиқка эришиши, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, экологик соф маҳсулотлар етиштиришда муҳим ўрин тутди.

Тадбирда ўсимликларни зараркунадалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш бугунги кун талабларига тўла мос даражада таъминлаштирилиши, хорижий давлатлар қонунчилигидаги ил-фор тажрибадан фойдаланиш масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди.

(ЎЗА)



Мусобақалар

МАҲАЛЛА ПАҲЛАВОНЛАРИ КУЧ СИНАШДИ

Бугунги кунда шаҳару қишлоқларимизда замонавий спорт мажмуалари бунёд этилиб фойдаланишга топширилмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш маҳалла фаолларининг муҳим вазифалари сирасига киради.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ташаббуси билан азалий ва умуминсоний қадриятга айланган, ҳалоллик, бағрикенглик, инсонпарварлик фазилатларини ўзида муҳассамлаштирган ўзбек курашини янада ривожлантириш, ёш авлоднинг жисмонан бақувват, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб вояга етишига шароит яратиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёш иқтидор эгаларини аниқлаш мақсадида бир неча йиллардан бери қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда кураш мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

«Сағбон» кураш спорт мажмуасида Соғлом бола йилга бағишлаб «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнирининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Мусобақада 2000-2001 йилларда туғилган 46, 50, 55 кг. вазн тоифасидаги ўғил болалар ҳамда 44, 48, 52 кг. вазн тоифасидаги қизлар иштирок этди.

— Бу каби мусобақалардан қўзланган мақсад нафақат юртимиз довуғини дунёга таратувчи машҳур спортчиларни тарбиялаш, шу билан бирга келажакимиз умиди бўлиши ёш авлоднинг маънан ва жисмонан етук, соғлом улғайишига эришишдан иборат,

— дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Олмасор туман бўлинмаси раис ўринбосари в.б. Жуманазар Жонибеков.

Дарҳақиқат, юртимиз ёшлари нафақат кураш балки, спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам юксак марраларга эришиб келмоқда.

Тахлилларга кўра, бу йилги мусобақа қатнашчиларининг сони ўтган йилга нисбатан ортганлиги ҳамда жойларда турнир кўламининг кенгайиб, ёшлар ўртасида спортнинг бу турига қизиқиш янада ошаётганлиги кузатишмоқда.

— Мен бу спорт тури билан болалигимдан шугулланиб келаман, — дейди 48 кг. вазн тоифаси бўйича 1-ўрин қўлибаси Юнусобод туманидан Марғуба Жумабоева. — Ниятим келажакда бунданга юксак марраларга эришиб, юртимиз байроғини жаҳон ареналарида баланд қўтаришдир.

Мусобақа якунида қўлибасларга ҳамкор ташкилотлар томонидан диплом ва эсдалик совғалар топширилди. 1-ўринни эгаллаган паҳлавонлар республика финал босқичига йўлланмани кўлга киритди.

Зафар НАЗАРОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

Пойтахтимизда самбо бўйича катталар, ёшлар, ўсмирлар ва хотин-қизлар ўртасида Осиё чемпионати якунланди.

Самбо

ОСИЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШДИ

Осиё самбо иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз самбо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада йигирмага яқин давлатдан 350 нафардан зиёд спортчи катталар, ўсмирлар, ёшлар, хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда ва жанговар самбо беллашувларида ўзаро куч синашди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самарасини бермоқда. Яратилган шароит ва имкониятлар туфайли юртимизда қатор спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақалар юксак савидада ташкил этилмоқда. Ўзбекистонлик спортчилар халқаро спорт ареналарида юқори натижаларга эришаётди.

Бу пойтахтимизнинг «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам ўзининг аққол ифодасини топди. Уч кун давом этган турнирда муҳлислар қитъа полвонлари иштирокидаги ажойиб беллашувларнинг гувоҳи бўлди.

Осиё чемпионатининг сўнгги кунинда ёшлар ва жанговар самбо усталари гиламга чиқди. Ўшбу беллашувларда ҳам юртимиз полвонлари муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Ёшлар ўртасида Шерзод Тожиев, Жавлон Ҳамидов, Фазлиддин Холмаматов ва Элёр Хожиматов ўз вазн тоифасида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Тохир Асроров, Абдуҳамид Қўчқоров, Муҳаммадшоҳ Иброҳимов кумуш, Шаҳзод Нурматов ва Парвиз Халимов бронза медални кўлга киритди.

Қизлар ўртасида Жаҳона Туркманова, Нилуфар Раҳмонова, Валерия Суйкова ва Ирина Кулакова олтин медалга муносиб топилиди. Спортчиларимиздан ана тўрт нафар кумуш, икки нафари бронза медал билан тақдирланди.

Жанговар самбо беллашувларида Толмас Тўқлиев, Аюбхон Камолов ва Санжар Нейматов Осиё чемпиони бўлди. Раҳматжон Аҳмедов ва Илхом Йўлдошев иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Фуқрат Рўзиев, Аббор Яхёев ва Олим Худойқўлов кучли уличдан жой олди.

Байрам АЙМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири

ГЎЗАЛЛИК ВА ОЛАМ

Пойтахтимиздаги Камолиддин Бехзод мемориал бог-музейида «Соғлом бола йили» муносабати билан К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари Муроджон Темиров ва Ҳасанбой Умаровларнинг «Гўзаллик ва олам» номли шахсий кўргазмалари очилди.

М.Темиров 1988 йили Андижон шаҳрида туғилган. К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг тасвирий санъат факультети «Дастгоҳли рангтасвир» бўйича магистратура битирувчиси. Танлов ва кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси «Баркамол авлод — юрт келажиги» «Меҳринг билан яшайман Ватан» танлов кўргазмасида «Келажак овози 2010», «Экологияга бағишланган плакатлар» кўрик-танловларида ғолибликни кўлга киритган.

Манзара, портрет ва натюрморт жанрларда ижод қилаётган ёш рассомнинг 40 дан ошди асарлари намойишга қўйилган. Биз уларда юртимиз табиати манзаралари, йил фасллари, турли мавзудаги натюрмортлари, тарихий шахарларимизнинг меъморий ёдгорликларини, инсон сиймоларини, турмуш тарзимизнинг айрим қирраларини кўрамиз. Кўргазмада муаллифнинг «Ёшлик», «Дўстлик», «Андижон» анонлари, «Каштачи», «Қиш оқшони», «Олтин куз», шунингдек Бухоро туркумидаги қатор асарлари жой олган.

Ҳ.Умаров 1992 йили Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида туғилган. Қўлолчилик санъатига бўлган меҳр унда анча эрта уйғонган. К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг амалий санъат факультетининг «Бадиий қўлолчилик» бўлими бакалавр-битирувчиси. Ёш ижодкор қатор кўрик-танловларда ўзининг қўлолчилик асарлари билан қатнашиб, ғолибликни кўлга киритган. «Хиндистон — Ўзбекистон ёш рассомлар нигоҳида» кўрик-танловларида 1-ўринни эгаллаган. Кўргазмада унинг 20 га яқин маҳорат билан ишланган асарлари намойишга қўйилган. Уларда биз муаллифнинг борлиқни, ҳаёт фалсафасини, ижодкор портретини ўзига хос услуб билан асарларида акс эттирганини кўрамиз. Кўргазмадан унинг «Она дуо», «Уч кудук», «Машраб сиймоси», «Сайёра-лар туташуви», «Мувозанат» каби асарлари урин олган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Инсон танаси билан боғлиқ бундай «тажриба»лар маълум вақт ўтиб унутилиши мумкин, аммо унинг саломатлиққа етказадиган асоратларидан ҳалос бўлиш қийин. Айрим ёшларнинг ўз жонини қийнаб бўлса-да, танасига беэза беришга интилишига нима сабаб бўлмоқда ва бу қандай оқибатларга олиб келади?

— Психологияда буни ўз-ўзига шикаст етказиш деб аталади, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультетининг психология кафедраси доценти, психология фанлари номзоди Мариятта Карамян. — Бу хатти-ҳаракатлар ўзига қасддан жисмоний зарар етказиш, тана тўқималари ёки аъзоларига лат етказиш билан боғлиқ.

Психологнинг фикрича, бундай ҳулқ-атворнинг сабаблари ёш авлоднинг «балогоат ёшига ўтиш» даври билан ҳамбарчас боғлиқ.

— 12-16 ёшда инсон шаклланади, унинг муомала услуби, келажак режалари пайдо бўлади, — дейди М.Карамян. — Буларнинг барчаси болаларда балогоат ёшига етиш туйғуси, мустақил, эркин бўлиш истагининг тўғилиши, ўз фикрини билдириш, дунёқарашини намойиш этиш, қадриятларини ҳис этишга интилишининг юзага келиши шариоитида рўй беради. Ўсмирлар учун татуировка ва пирсинг ўз фикрини баён қилиш, ўзини аърофдагиларга ўзига намоён этиш истагининг усулларидир.

Мамлакатимиз ёшларининг спорт, мусика ва санъат билан шугулланиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Давлатимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ўсиб келаётган ёш авлоднинг юксак орзу-интилишларини рўёбга чиқаришига имконият яратмоқда. Чунончи, ёшларимиз илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида нуфузли халқаро танлов ва спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришмоқда. Ёш ижодкорларнинг илк китоблари давлатимиз кўмагида чоп этилмоқда. Ёш олимларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган илмий инновациялар ва яратилаётган иxtиорларини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Ёшларимизнинг турли соҳаларда ўзларини кенг намоён этаётгани уларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол вояга етишида муҳим омил бўлмоқда. Таассуфки, татуировка ва пирсинг ишқибозлари ҳақида бундай фикр билдириб бўлмайди. Бу тоифадаги ёшлар бундай мурт қадамнинг оқибатини англаб етаяптими? Ахир, татуировка чиздириш ва танани тешдириш оғриқсиз кечмаслиги маълум-ку! Психологнинг тасдиқлашича, инсон ўз соғлиғига путур етатганини англагандагина унинг оқибати ҳақида ўйлаб бошлайди. Афсуски, ўсмирлар ўз саломатлигининг мустаҳкамлигига ишонади ва ҳамиша шундай бўлиб қолади, деб ўйлайди. Агар ўсмир татуировка ёки пирсинг қилдиришни истаб қолса, унинг зарари ҳақидаги маълумотларни эшитиши ҳам

Ёшларнинг «оммавий маданият»нинг янги таъсирлари билан боғлиқ, менталитетимизга ёт бўлган қизиқишлари баъзан оғир оқибатларга олиб келади. Бу кўп ҳолларда ташқи кўриниш — галати соч турмаклари, ғайритабиий либослар, танага татуировка чиздириш ва пирсинг қилдириш билан боғлиқ.

истамайди, аксинча, барини инкор этади. Бундай ёшлар «менда барчаси рисоладагидек ўтади», «менга даҳл қилимайди», деган ҳаёлга боради. Аммо ушбу ҳаракатларнинг ўта зарарли оқибатлари ўзини узоқ куттирмайди. Пойтахтлик Светлана (исм ўзгартирилган) билан содир бўлган воқеа бунинг аққол тасдиғидир.

— Чамаси йигирма йил олдин танамга татуировка чиздириш ва пирсинг қилдириш истаги туғилган эди, — дейди у. — Бундай бемаъни ва хавфли қадам қўйишга ўз танишларим сабаб бўлган. Улар бунга ажойиб ҳолат, дея таърифлашган. Ўшбу тушунарсиз ҳис-туйғуни ўзимда си-

Светлананинг ҳуюқасидан сўнг ҳар қандай ёш инсонда ўз танасига «безак» бериш билан боғлиқ бундай таъриба ўтказиш истаги йўқолса ажаб эмас.

— Татуировка чиздириш ва пирсинг қилдириш, аввало, ўз танасига нисбатан масъулиятсиз муносабатдир, — дейди пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шахарчаси поликлиникасининг биринчи тоифали терапевти Салима Даминова. — Тиббиёт танами тешмаслиқ ва унга татуировка чиздирилганлиги қатъий тавсия қилади. Чунки бунда жиддий касалликларга чалиниш эҳтимоли жуда юқори бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, татуировка йигирмадан ортиқ касалликка олиб келиши мумкин экан. Танага татуировка чиздириш билан мазкур касалликлардан бирига чалиниш ҳеч гап эмас. Татуировка чизишда ишлатиладиган бўёқлар ҳам хавф туғдиради. Уларнинг таркибида экзема, дерматит, аллергия реакцияга олиб келиши мумкин бўлган кимёвий моддалар мавжуд.

Пирсинг ҳам соғлиқ учун жиддий зарар етказиши. Биринчи навбатда, тананинг турли қисмларига қадалган металл безаклар аллергия реакцияга олиб келади. Инсон организмидан бундай ғайритабиий бўюмларга ўрганилмаган. Шунинг учун тешилган жойлар шишиб, яллиғланиши мумкин.

Тана қисмларини тештиришнинг тез-тез учрайдиган асорати заҳарланмалардир. Янги тешилган жойга тушган бактерия ва вируслар яллиғланиш сингари гепатит В ва бошқа жиддий касалликларни юзага келтиради. Шунингдек, пирсинг қон айланишининг бузилиши, чандиқ ҳосил бўлиши ва эндокардитга олиб келади. Жароҳатлар ҳам пирсинг асоратларида мунтазам учраб туради.

— Оғиз бўлиғи пирсинг соғлиқ учун ўта хавфлидир, — дейди Салима Даминова. — У тишларнинг емирилиши, жароҳат ва миль ҳамада тил касалликларига олиб келади, шунингдек, инфекция ва яллиғланиш хавфини оширади.

Вакolatли мутахассисларнинг тавсифлари татуировка ва пирсингнинг нафақат бемаъни экани, балки инсон саломатлиги учун ғоят зарарли эканидан далолат бермоқда. Шундай экан, ёшлар оғир оқибатларга олиб келадиган бундай «безак»лар ҳақида чуқур ўйлаб қўриши шарт. Ўшбу хавфли эрмак факат организмнинг жисмонан емирилишига хизмат қилади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕК ШАХМАТЧИЛАРИНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИ

Пойтахтимизда шахмат бўйича 12 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз 6 олтин, 4 кумуш ва 4 бронза медални кўлга киритди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, юксак интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб вояга етказишда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда кўплаб спорт турлари қатори шахмат ҳам тобора оммалашмоқда. Ўзбек шахматчилари жаҳон ва қитъа чемпионатлари, турли нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Пойтахтимизда ўтган Осиё чемпионати ҳам шахматчиларимиз учун ғалабаларга бой бўлди.

Осиё шахмат федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда мамлакатимиз шахмат федерацияси томонидан ташкил этилган қитъа чемпионатида 200 нафарга яқин шахматчи ғолиблик учун дона сурди.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов ўн ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида мўғулистонлик Ганзориг Амартувшин, Бацурен Дамбасурен, хиндистонлик Моҳан Кушагра, Ритвик Ража, Прагнанандха ва Сарин Нихал, вьетнамлик Мин Тиен Нгуен ва Дук Три Нго ҳамда жамоадoshi Жаҳоҳир Синдоров устидан ғалаба қозониб, Осиё чемпиони бўлди.

Чемпионат доирасида ўтган блиц турнирда у кумуш медални кўлга киритди.

— Осиё чемпионатида ғалаба қозонганимдан хурсандман, — дейди Н.Абдусатторов. — Мусобақадаги ҳар бир ўйин қийин кечди. Шунга қарамай, ғолиб бўлиш, яқинларим ва устозларимнинг ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилдим ва мақсадимга етдим.

— Ўзбек шахматчиларининг истеъдод ва салоҳияти таҳсинга лойиқ, — дейди хиндистонлик шахматчи Сарин Нихал. — Айниқса, Нодирбек ва Жаҳоҳирнинг ўйини менда катта таассурот қолдирди. Улардан кўп нарсаси ўргандим.

Ўн икки ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида қатнашган Нодирбек Ёқубовнинг етти турдан иборат рапид — тезкор шахмат баҳсларида тожикистонлик Сухробжон Аввалбоев, хиндистонлик Ананд Саурабх ва Сриватшав Рахул, киргизистонлик Руслан Седзбеков, мўғулистонлик Отгонбай Чингуновни мағлубиятга учратди. Хиндистонлик Аравинд Рам ва ана бир шахматчимиз Муҳаммадали Абдурахмонов билан дурранг ўйнаган Нодирбек 6 очко билан шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Иқтидорли шахматчимиз блиц турнирда кумуш, классик шахмат бўйича бронза медал билан ҳам тақдирланди. Ўшбу ёш тоифасида қатнашган Шамсиддин Воҳидов блиц турнирда учинчи ўринни эгаллади. Қизлар ўртасида Дилбар Ҳамроева классик шахмат бўйича бронза медални кўлга киритди.

Олти ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида Абдулбосит Шарифжонов шахмат бўйича Осиё чемпионлигини кўлга киритган бўлса, Оқжол Раҳматуллаев рапид йўналишида олтин медалга сазовор бўлди.

Саққиз ёшгача бўлган ўғил-қизлар мусобақасида ҳам шахматчиларимиз муносиб иштирок этди. Шахматнинг рапид ва блиц йўналишида жаҳон чемпиони Исролбек Синдоров қитъа чемпионатининг блиц турнирда олтин медални кўлга киритган бўлса, Султон Турсунов кумуш медал билан тақдирланди. Классик шахмат бўйича Олмоз Раҳматуллаев иккинчи ўринни эгаллади. Қизлар ўртасида ўтган блиц турнирда Мафтуна Бобомуродова тенг келадигани топиламади. Омина Назарова рапид йўналишида бронза медални кўлга киритди.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЁЛОНЛАР

Ҳурматли абонентлар!

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали «Ўзбектелеком» АК томонидан шартнома асосида (эркин) белгиланадиган телекоммуникация хизматлари учун тарифларига кўра 125-1/7 сон нархномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганини маълум қилади. Ўзгартиришлар 2014 йил 1 июлдан қучга киради.

Маълумот учун телефон: 281-57-22



эсади. Ҳарорат кечаси — 21-23, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мошторинг хизмати эркинликка кўра, 2 июль эртингарилик бўлмайди. Гарбдан шарққа томон секундида 5-10 метр тезликда, қучайган ҳадада секундида 12-17 метр тезликда шамол қўққори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 2 июль кунини ҳаво ўзгариб туради, лумтошча кўра, 2 июль эртингарилик бўлмайди. Гарбдан шарққа томон секундида 5-10 метр тезликда, қучайган ҳадада секундида 12-17 метр тезликда шамол қўққори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 756

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6568 нускада босилди.
Қороз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Босишга топширилди: 14.50